



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
бўюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 22 август, № 162 (4061)

Сешанба

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Истиклолимизнинг
15 йиллиги байрамига
10 кун қолди

Бу шодиёнада халқ-
имизнинг асрий орзу-
лари рўёбга чиққанли-
гини нишонлаймиз!



ҚЎШМА КОРХОНА МАҲСУЛОТИГА ЭҲТИЁЖ КАТТА

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол маҳсулотларининг 50 фоизидан, sanoat ишлаб чиқаришининг 20 фоизидан кўпроги тўқимачилик соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги "Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарини такомиллаштириш, қайта жиҳозлаш билан боғлиқ 94 та лойиҳани амалга оширишга оид ишлар ўз ифодасини топган.

2005 — 2008 йилларга мўлжалланган ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Уларни тўла ҳаётга татбиқ этиш эса, кенга аҳоли қатламининг тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талабни қондирибгина қолмасдан, қўшимча 46 минг иш ўрнини яратиш ҳамда экспорт ҳажмининг 1,1 миллиард дол-

ларга ошириш имконини беради. Шаҳрихон туманидаги "Интертекст" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида 20 турдан ортиқ тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Мухими, корхона маҳсулотлари ички бозорни тўлдирish билан бирга уларга хорижда ҳам талаб ортиб бораётти.

СУРАТДА: қўшма корхона тикувчиси Замраҳон Исломова иш устида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Сенаторга икки савол

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши Сенатнинг еттинчи ялпи мажлисини 25 август куни чақириш ҳақида қарор қабул қилди. Мажлис кун тартибига мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига оид кўплаб қонунларни кўриб чиқиш, шунингдек, Сенат ваколатига кирувчи бошқа муҳим масалаларни муҳокама этиш кўзда тутилган. Мухбирларимиз сенаторларнинг айримларига қуйидаги саволлар билан муурожаат қилишди:

1. Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисига қандай кайфият билан бораёсиз?
2. Сайловчилар билан бўлиб ўтган мулоқотларда кўнглингиздан кечган фикрлар билан ўртоқлашсангиз.

МАСЪУЛИК ЮКИ

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Муборак тумани ҳокими Панжа АЛЛАҚУЛОВ:

— Сенатнинг ялпи мажлислари биз учун энг фаол иш кунларимиз ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мажлисга ишчанлик кайфиятида борамиз. Бу гал ҳам кун тартибига киритилиши кўзда тутилган масалалар билан танишиб чиқдим. Ўзим аъзо бўлган Қонунчилик қўмитаси томонидан тақдим этилаётган қонунлар лойиҳаларини атрофлича ўрганиб чиққанман. Улар бўйича ўз тақлиф ва мулоҳазаларим бор.

Сенатнинг бу галги ялпи мажлиси мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида ўтади. Бу мамлакатимизнинг хар бир фуқароси сингари биз, Сенат аъзолари ҳам кўтаринки кайфият бағишлайди, албатта. Истиклол йилларида мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жароғини такомиллаштириш соҳасида амалга оширилган ишлар билан фахрланмасдан бўладими?

Туманимиз иқтисодиёти кенг тармоқли. Аҳолининг катта қисми Муборак газни қайта ишлаш заводи ва «Муборакнефтьгаз» унитар шўба корхонасида ишлайди. Улар мамлакатимизнинг ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминлашдек масъулият юкани зиммасига олиб келаётганликлари

билан ҳақли равишда фахрланадилар. Деҳқонларимиз бу йилги қийин об-ҳаво шароитида ҳам галдан яхши ҳосил олдилар, пахта далаларида ҳосилга ҳосил қўйиш учун зарбдор 20 кунликни қизгин ўтказишпти. Фермерлар ерга эгалик ҳиссини тўйиб, ҳосил тақдири учун астойдил курашмоқдалар. Бошқа соҳалар вақилларида ҳам ватанпарварлик, эл-юрт равнақи учун масъулият тўғриси кучайиб бормоқда. Буни хар бир учрашувда, хар бир мулоқотда аниқ-равшан ҳис қиламиз.

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Пахтакор туманидаги хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежи директори Илҳом ОТАБОВ:

— Еттинчи ялпи мажлис Республикаимиз Мустақиллигининг 15 йиллик байрами арафасида ўтиши билан эътиборлидир. Қолаверса, навбатдаги мажлис тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга, аҳолининг турмуш тарзини юксалтиришга қаратилган микроолиялаш, шаҳар йўловчилар транспорт, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қонунлар муҳокама этилиши ёхуд ўзгаришлар киритилиши билан ҳам муҳимдир.

Вилоят ахли Республика мустақиллигининг 15 йиллик байрами муносиб кутиб олаётган, шодиёналар-

га кўтаринки руҳда ҳозирлик кўраётган дамда қандай кайфиятда бўлиши маълум, албатта. Мажҳуд 41 та коллеж, 2 та академик лицейдаги ободончилик ишлари мақтаса мактағулик. Барчасининг байрамни ўзига ҳос кутиб олиш сценарийси бор.

— Ўтган ойда Зафаробод тумани аҳолиси билан бўлган учрашувда элимизнинг нақадар ташаббус кўрсатиб ишлаётганидан, янгиликка интилувчи ёшлар кўплигидан қувондим. «Уларни фақат қўллаб-қувватлаш лозим», деган фикрга бордим. Туман раҳбарлари, мутасаддилар билан иш ўринлари яратиш, касаначиликни ривожлантириш ҳақидаги мулоҳазалар билан ўртоқлашдик.

16 августда Пахтакор туманидаги Окбулоқ қишлоғида катта йиғин бўлди. Сўзга чиққанлардан Гулнеҳра Уматованинг маҳаллага эътиборнинг самараси ва аксинча эътиборсизликнинг оқибатлари ҳақидаги асосли фикрлари, келтирилган мисолларни барча қўллаб-қувватлади. Маҳалларда диний маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларини фаолроқ бўлишга чорлади.

Б.НОРҚОБИЛОВ ва Б.САТТОВР
Билиб олди.

Ҳашар қадрият ҳам демак

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида энг улуг ва энг азиз байрамимиз — истиклолимизнинг 15 йиллик тантаналарига қизгин тайёргарлик кўриломоқда. Хал-

қимиз таъбири билан айтганда, катта тўйга тайёргарлик ҳам шунга яраша.

Ўтган ҳафтада ташкил этилган умумхалқ ҳашарида Ўрта махсус ва касб-хуна-



таълим маркази тизимидаги илм масканларининг 251023 нафар ўқитувчи ва ўқувчиси иштирок этди.

Таъкидлаш жоиз, истиклол руҳида баҳра олган ёшлар ҳашар биргина атроф-ҳудудни ободонлаштириш, арик-зовурларни тартибга келтириш ёки чиқиндилардан тозалашдан иборат, деб фикрламайдилар. Улар ҳашарни азалий қадрият, меҳр-оқибатга ўндоқчириш, деб ҳам билишади. Зеро, келажакимизнинг комил ёшлари тадбирни ана шу мезон асосида бошлашди. Яъни, таълим муассасаларида узок вақт меҳнат қилган устозлар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотган ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олишди. Ўқувчилар томонидан уларнинг ҳолати чиқарилиб, дуоси олинди. Тадбир давомида эҳтиёжманд кишиларга 4,8 млн. сўмлик муруват ёрдамлари ҳам кўрсатилди.

Ўз мухбиримиз.

Аёл фаол бўлса...

Пойтахтимизда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ва Фуқаролик жамиятининг ўрганиш институти ҳамкорлигида "Хотин-қизлар қаноти" иш фаолиятини такомиллаштириш: муаммолар ва ечимлар" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎЗМТДП Марказий кенгаши аъзолари, "Хотин-қизлар қанотлари" раислари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари ва омавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, жамиятимиз ҳаётида хотин-қизларнинг ролини оширишга алоҳида эътибор берил келинмоқда. Ушбу йўналишда қабул қилинган Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, давлат дастурлари самараси ўларок, бугун юртимизда аёллар қадри юксалмоқда, нуфузли ва масъулиятли вазифаларда улар бекаму кўст меҳнат қиломоқдалар.

Бугунги кунда мажҳур масала давлат сийбоси даражасига кўтарилди. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омили бўлмоқда. Айни пайтда аёллар мамлакатимиз ижтимоий-сийсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этапти. Масалан, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси аъзоларининг 50 фоизга яқини аёллардир.

Бундай тадбирни ўтказишдан асосий мақсад жамиятимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сийсий фаолиятини оширишда муҳим ўрин тутган партиянинг "Хотин-қизлар қаноти" фаолиятини жонлаштириш, уларнинг ишида учраётган муаммоларни таҳлил этиш ва ечимини топиш эканлиги қийд этилди.

Ҳосан ҚАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Марокаш Подшоҳлигининг қишлоқ ҳўжалиги, тараққиёт ва денгиз балиқчилиги вазирлиги Мухаммад Лансар раҳбарлигидаги ушбу мамлакат делегациясининг юртимизга ташрифи низоҳасига етди.

Мухаммад ЛАНСАР: «ЮТУҚЛАРИНГИЗ КИШИНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ»

— Энг аввало, Марокаш подшоҳи Жаноби Олийлари Мухаммад VI юртингиз мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган самимий ва илиқ табрикларини етказишга ижозат бергайсиз, — деди жаноб Лансар юртинга қайтиш олдидан «Жаҳон» ахборот агентлигини муҳбири билан бўлиб суҳбатда. — Мақсадимиз — Ўзбекистон билан икки томонлама ҳамкорликка туртки бериш.

Икки мамлакат халқлари раҳбарининг замонимиздаги бу ёвуз иллатга барҳам бериш, Ўзбекистонда демократик дунёвий давлатни барпо этиш борасидаги қатъийлиги меннинг ҳавасини келтирди.


Икки мамлакат халқлари раҳбарининг қўлига масалалари юзасидан жуда яқин қарашлар ва ёндашувларга эга эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ҳамкорлигимизни ривожлантириш учун яхши асос бўлиб хизмат қилади.

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

ВАТАН ҚАДРИ
МУСОФИРЧИЛИКДА БИЛИНАДИ



МАКТАБГА
ЭЪТИБОР —
КЕЛАЖАККА
ЭЪТИБОР



ЎЗБЕКИСТОН УЛУҒ АЙЁМ АРАФАСИДА

Мамлакатимиз минтақаларида Мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами қандай қарши олинаётгани халқимиз кайфиятида ёрқин акс этмоқда. Шу кунларда «Халқ сўзи» мухбирлари Ватанимизнинг турфа бурчакларида, чекка қишлоқларида бўлиб, одамларимиз томир уришига қулоқ тутишди, ўз таассуротларини сиз, азиз газетхон билан баҳам кўришга ошиқдилар.



Мустақиллик миллий адабиётимиз равнақиға кенг йўл очиб бериш боробарида она диёримизнинг айрим ҳудудларида муайян адабий муҳит ва марказлар шаклланишига имкон яратди. Мамлакатимизнинг турли бурчакларида жойлашган Зомин, Шаҳрисабз, Паркент ва Бўз адабий мактаблари фикримизга мисол бўла олади. Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиқалъа тумани ана шу рўйхатдан барқарор ўрин эгаллади. Айниқса, маъруза тунда 2000, 2001, 2003, 2005 йиллари ўтказилган «Ақчақул илхомлари» адабий анжуманлари истиқлол даври адабиёти солномасига муҳрланди. Бу анжуманларда кўплаб ёш қаламкашлар кашф этилди, қолаверса катта адабиёт вакиллари ҳам халқ ҳузурини бўлиб, ўз китобхона билан дилкаш суҳбатлар ўтказди, мовий Ақчақул соҳилида янгидан-янги асарлар учун илхом олди. 18-19 август кунлари Эллиқалъа туманида ўтказилган «Хуррият наволари» адабиёт байрами миллий маънавиятимиз харитасидан мустаҳкам ўрин олган Бўстон шаҳрига жам бўлган кўп сонли назм ва наср муҳлислари қаторида атоқли ижодкорларнинг ўзлари учун ҳам мароқли бўлди.



Хуррият наволари

Байрам — Бўстон академик лицейини бошланди. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номига қўйилган лицейдаги адабий кечада Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдулла Орипов мустақиллик даври адабиётининг туб сифат ўзгаришлар, олам ва одамни тасвирлашдаги янги эстетик тамойиллар, ўқувчи ақл ўргатишдан кўра уни қомилликка ундаш устун бўлаётганини таъкидлади, атоқли шоғирди ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди. Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Тўлпбергэн Қайбергенов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ва бошқалар Муҳаммад Юсуфнинг истиқлолга ба-

ғишланган ижодини таъкидлашди. Бугунги қорақалпоқ шеърининг зарбидан вакиллари билан бирининг ибораси билан айтганда, булар элнинг болалари шеър устун билан бирга спортни ҳам севади. Айниқса, Эллиқалъа Марказий Осиёда ўнлаб манаман деган полвонларнинг курагини зумда ерга теккизган Зийнат полвон Қаландаровнинг киндик қони томган замин. Шу лицейнинг жаҳон андозаларига тўла мос келадиган спорт мажмуасида мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган миллий кураш мусобақаси ўтказилди. Уни Ўзбекистон Миллий кураш федерацияси президенти, «Хуррият наволари» адабиёт байрамининг давраробоси Абдулла Орипов очиб берди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қатор туманларидан келган эллиқка яқин ёш полвонларга омад тила-

ди, Гиламга чиққан бир навқирон азаматда шоир ва афсонавий полвон Пахлавон Маҳмуд сифатлари кўзга ташланса, иккинчисиде қорақалпоқнинг ҳеч қачон кураги ерга тегмаган бойнотераги — Саполок полвон амаллари намойиш бўлар эди. Эсада қоладиган жиҳати шу бўлдики, голиб полвонларга нуфузли мукофот ва совғалар ўша спорт мажмуасида эмас, Бўстон шаҳрининг бир неча минг адабиёт ва санъат илосиданга йиғилган амфитеатрда топширилди. Муҳлислар қарсақ чалганида Ақчақул ҳам уларга жўр бўлгандек бўлди. Энг муҳими бу ерда ўзбек ва қорақалпоқ шеърининг пешқадим вакиллари билан Ўзбекистон халқ шоирлари Маҳмуд Тоир, Александр Файеберг, Қорақалпоғистон халқ шоири Набиёра Туршоева, таниқли шоирлардан Эркин Самандар, Улмамет Хўжаназаров, Ошиқ Эркин, Ўткир

Раҳмат, Кенгесбой Каримов, Умида Абдуазимова, Минхожиддин Мирзо, Бахтиёр Генхамурод, Рустам Мусурмов, муҳлислар муҳаббатига сазовор бўлиб келатган «дуэт» — Қўчкор Норқобил ва Хосият Рустамова, ёш ёзувчиларнинг Зомин семинари совриндорлари Шахло Шукрулло қизи, Манзура Эгамбердиева, Темур Давлетов ва бошқалар янги янги шеърларини ўқиб бердилар. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Гулҳадича Айимбетова, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Элиза Айтинбаева, эстрада юлдузлари Бахтиёр Султонов, Ойпопук Эшонхонова, Ирода Искандарова, Афсона ва бошқа ижрочилар истиқлол, Ватан, ёшлик, муҳаббат тўғрисидаги тароналарини йиғилганларга ҳавола этдилар.

«Хуррият наволари» адабиёт байрамининг қаймоғи тумандаги Тозабонг қишло-

КЕЛАЖАККА САЁҲАТ

Истиқлол берган имкониятлар ҳақида фахр билан гапиришни яхши кўраемиз. Айниқса, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотларни кўз билан кўриб, юракдан англаш ҳисси бўлачқа экан. 17-20 август кунлари марказий оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган бир гуруҳ журналистлар Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида бўлиб, янги қад ростлаётган, қайта таъмирланган мактабларни кўрганимизда ушбу ҳақиқатга яна бир қарра амин бўлдик.

Сафаримиз Фарғона вилоятининг бошланди. Дастлаб Марғилон шаҳрида жойлашган 27-мактабда бўлдик. Бири-бирининг ширин, хулқ-одоби юз-кўзида шундоқ балки турган ўқувчилар мактаб ҳовлисига қадам қўйишимиз биланок: «Биз мустақил юрт фарзандларимиз!» дея ўзларини таништирдилар. Бундай шодонлик беҳиз эмас. Чунки болажонлар шу пайтга қадар нураган, шапқатли оғир мактабда ўқиб эдилар. Давлатимиз раҳбари ташаббус билан ҳаётга татбиқ этилаётган мактаб таълимини ривожлантириш сиёсати тўғрисида, эндиликда оз минглаб болажонлар кўркам биноларда сабоқ олишлариға улкан замин яратилди.

Президентимизга раҳмат, — дейди мактаб директори Маҳбуба Мадррахимова. — Еш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик боис бугунги ўқувчи дарсадан бошқа нарсани ўйламапти. Ўқишга бўлган иштиёқ эса, кун келиб албатта, ўз мевасини беради. Мактабимизда ҳар бир кун ўз номига эга: душанба — маънавият, сешанба — инглиз тили, чоршанба — иқтидорли болалар, пайшанба — рус тили, жума — меҳр-оқибат, шанба эса ўз-ўзини бошқариш кўни, деб юритилди. Мактаб ўқувчининг ярим кунни ўтадиган иккинчи уйи. Шундай экан, ўқувчиға ҳар бир са-

боқнинг фойдали томонини кўрсатишимиз керак! Марғилон шаҳриға қарашли 32-мактабга бораётиб, ҳамроҳлар билан Давлат дастурининг аҳамияти ҳақида фикрлашиб келаётган эдик. Янги мактабга етгач эса, ҳайратимизни яширолмадик. Қўрқ беш нафар журналист шу сўзни айтди: «Мактаб биноси университетдан ҳам зўр экан!»

Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Муҳаммаджон Хўжаев ушбу мактаб қурилиши шу йилнинг апрель ойида бошланган эди, деганида эса, ростки, бунёдкорларға қўйил қолдик. Қурилиш ишлариға жами 1 миллиард 844 миллион сўм сарфлангани, қурувчилар кечаю-кундуз ишлагани, ўқувчилар чекрасидаги мамнуният — буларнинг барча-барчаси ЭЗ-ГУЛИК тўғрисидаги муҳаммаджон ака: «Бундай муҳташам мактаблардан вилоятимизда яна 35 та бор!» дея фахрланаркан, энтикибгина лўнда, аммо дилидагини ифодалади: «Қанийди, бола бўлиб қолсаму, шундай мактабда ўқисам!»



Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги ресурс маркази, Тўрақўрғон туманидаги 3-мактаб, шу тумандаги мактабгача таълим ресурс марказларида бўлдик. Қарға бормайлик, ўқувчи ва ўқувчиларнинг, маҳалла оқсоқолларининг, ота-оналарнинг кайфияти чоғ эканлиғига ғувоҳ бўлдик.

Наманган туманидаги мукамал таъмирланган 26-мактабдаги ўқувчи ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳар қандай бадий жомоалардан қолшмайдиган даражадаги чиқишлари, дилрабо куй-қўшиғу рақслари меҳмонларни бутунлай ўзига ром этди-қўйди. Кўркам синфхоналар билан танишайтганимизда, мактабга Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Наҳидинов ташриф бурди.

Журналистлар билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида, вилоят раҳбари Наманганда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ишлар ҳу-

сусида гапириб берди. Оқошталик тарғиботи, таълим-тарбия, тиббий маданият, барча жаҳдада исрофгарчиликка қарши курашиш борасидаги фикрлар иштирокчиларнинг кизгин мунозарасига сабаб бўлди.

Этиборимизни мактабнинг қираверишида турган нурунийлар тортади. Ўзидан нур ёғилиб турган отахонлардан бири шундай деди:

— Шерикларимға қаранг, улар болажонлардек қувонишяпти. Гўёки, шу мактабда ўзлари ўқийдигандек шодликларини чексиз. Президентимизнинг фарзандларимиз тарбияси, уларнинг келажоғи аруғ бўлиши учун қилаётган хатти-ҳаракатларини ҳеч қандай савобга тенглаштириб бўлмайди. Биз, кекса авлод вакиллари бундай шароитни тушунмишда ҳам кўрганимиз йўқ. Илоё, ёшларимиз истиқлол берган имкониятдан кенг фойдалансин, Ўрбтбшимизнинг ишончларини оқлашин!

— Ҳар бир ўқувчи ўқитувчининг нигоҳи остида бўлади. Дарс жараёнида ким нима билан машғул, қайси ўқувчи қандай ўтирганигача шундоқ кўриниб туради. Талаб ва интизом қаттиқ бўлгани учун ҳам аксарият ўқувчиларимиз ҳар йили олий ўқув юртига қабул қилинаётдилар...

Ўқитувчи шундай дея талаба бўлган шоғирларини номма-ном санади. Ҳар бирининг феъл-атвориоририш-туришидан завқланиб гапирди. Демак, бугунги ислохотлар ўқитувчининг ўз меҳнатидан мамнун, ўқувчинининг муваффақиятидан хурсанд бўлишида катта аҳамият касб этмоқда...

Андижон туманидаги 39-мактабда оммавий ахборот воситалари ходимларини вилоят ҳокими Сайдулла Бегалиев кутиб олди. Капитал реконструкция давомида мактабда қўшимча хоналар қатори замонавий спорт зали қад ростлабди. У ерда ўқувчилар ўзлари севаган спорт турида машғул олиб боришяпти. Қизалоқларнинг баланд устунлардан сакраб ўтишлари, болакайларнинг арқонга чирмашиб чиқишлари, баскет-

Максуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон овози» 19 август. Соҳибжон Салимов «Озод юртининг обод маскани»:

«Бундан ўн беш йил муқаддам туман марказида пасткам-пасткам бинолар, уйлар, маиший хизмат кўрсатиш ўчоқлари бўларди. Истиқлол боис, эндиликда бу ерларда осмонлар бинолар, сайилгоҳлар, замонавий мактаблар, бир-бирининг кўркам маъмурий иншоотлар, меҳмонхоналар қад ростлади».

«Ишонч» 19 август. «Нурилла Шамсиев «Ватан танда, жонда, қонда бўларкан»:

«Жонотлар орасида юракка бири жуда яқин. Уни ҳар гал кўрганимизда тунд чехрамиз ёришади. Марҳаб, дея эшикларимизни ланг очиб кўямиз. Бошимиз майин пахталари ила силшага қолгандек ҳеч йиманмайди. У кирган хонадонда хушудлик ҳукмрон бўлади. Уйимиз тўридан жой ажратамиз. Полапонларни чийқиллашадан кўнглимиз ҳузур топади».

«Маърифат» 19 август. Каҳҳор Хожиматов «Хайт устозлик қилади»:

«Замонавий тиббиёт халқ табобатини тан олмайди. Лекин касалликни аниқлаш, даволаш, унда кечадиган ҳар хил жараёнларга нисбатан шакланган муносабатни замонавий тиббиёт осмондан олган эмас, бунинг замирида халқ табобатининг кўна индиз ва аънаналари бор. Демак, халқ табобати асосидан бугунги тиббиёт шакланган, ривожланган, буни унутмаслик керак».

«Тошкент ҳақиқати» 19 август. Раъшан Ёқубжонов, Ғайрат Шералиев «Даврининг ҳар лаҳзасида имконият мўжассам»:

«Шаҳарда ўтказиб келинаётган турфа маданий-маърифий тадбирлар, нуфузли спорт мусобақаларининг кўлам ва қамрови ниҳоятда кенг. Улар ёшларда ватанпарварлик ва бирдамлик, фидойиллик ва оғоҳлик ҳиссини шакллантириш, келажак давомчиларини маънан етук, жисмонан баркамол қилиб тарбиялашга хизмат қилмоқда».

Мажҳуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Бухорога борди оналар

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги олдиндан ташкил этилган ушбу тадбирда зиёратчилар уч гуруҳга бўлиниб, вилоят ҳудудида жойлашган қадимжолар, азиз-авлиёлар макбаралари, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

Маълумки, 2,5 минг йиллик тарихга эга бўлган ушбу шаҳар не не фотихлар, босқинлару талотўпларнинг ғувоҳи бўлмаган. Ярим вайронанага айланган шаҳарда айрим ҳукмдорлар даврида янги-янги иморатлар, масжидлар, мадрасалар ҳам бунёд этилган. Сомонийлар, қорахонийлар, аштархонийлар ва мангитлар даврида, шаҳар не не томонлама гуллаб-яшнаган. Уларнинг маданияти ва Мовароуннахрнинг маданий маркази даражасига етган. Бунинг асосий сабаб-



ларидан бири шаҳарнинг Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги бўлса, иккинчидан буюқроқларнинг мард ва жасурилик, ватанимиз тарихида нурли ўз қолдирган, ўнлаб масжиду мадраса,

бериб келган Бухорои Шарифнинг барча зиёратгоҳлари, осори-атиқалари собиқ шўролар даврида қаровsizлик, нотўғри сиёсат сабаб ярим вайронана айланиб қолди. Кўплаб

кўлэмалар, маданий ёдгорликлар талон-тороқ қилинди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юртимиздаги барча зиёратгоҳлар каби Бухородаги гушлар ҳам обод қилинди, қайта таъмирланиб, халқимизнинг севишли масканларига айлан-тирилди. Зиёратчилар «Минораи Калон»га боришадим, «Чор Бақр» ансамблини томоша қилишадим, ёхуд Баҳосуддин Нахшбанд мажмуасини тавоф қилишадим, саёҳат давомида юртимиз тарихининг бир бўлагидан оғоҳ бўлдилар.

сад авларимизнинг маданий-маърифий дам олишларини ташкиллаштириш, юртимиз қадам-қadam зиярат қилишдан иборат эди. Ўзбекистон Темир йўллари Миллий компанияси назар тадбир учун махсус вагонлар ажратди ва зиёратчилар учун етарли шароит яратиб берди. — Ешим 67 да. Улар бундан бундан бундан фарзандларим, турмуш ўртоғимга қарандим, — дейди тошкентлик Ҳамид Валухўжаев. — Бироқ, шу пайтгача зиёратга ҳафсада қилимабман. Ушим истикомат қилаётган Навоий номидаги маҳаллага қаққириб, Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкиллаштирилган Бухоро сафарига тақдир қилишганида кўз ёшимни тиймадим. Ахир, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Еруз кунларимиз эса Мустақиллигимиз шарофатидан.

— Бухорога биринчи бор келишим, — ҳаяжонини яширолмайд жаззакли Мастона она Тошматова. — Бухоро ҳақида кўп эшитганман, телезоридан кўрганман. Бироқ, минг эшитилган кўра бир бора кўрмоқликнинг афзаллигини ҳис этдим. Баҳодурдин Нақибанд ҳазратларининг устозлари, оналарининг мақбараларини зиёрат қилдим. Ҳар бир муқаддас қадимжоларини тавоф қилганимда кўзларимга ёш келди. Энг улғу байрамимиз арафасида Бухоро зиёратини ташкил этган Республика хотин-қизлар қўмитасидан миннатдоримиз. Баҳодурдин Нақибанд зиёратгоҳидимиз. Қарий бир неча гектар майдонни ўз ичига олган ушбу мажмуа Президентимизнинг ташаббуслари билан қайта таъмирланиб, чинакам зиёратгоҳга айлантирилган. «Ҳамийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида бўлиб ўтган ушбу сафардан асосий мақ-

ДИЛЛАРДАСАН, ИСТИҚЛОЛ, ВАТАН!



Хулкар Абдуллаева, Хоразм вилояти. «Пар девор» халқ кўшиғи.



Гулназ Утепова, Қорақалпоғистон. «Киз мунайин» кўшиғи.



Ёдгорбек Мирзажонов, Андижон вилояти. «Ватан» кўшиғи.



Сардор Раҳимжон, Тошкент шаҳри. «Ишонмасман» кўшиғи.



Диана Зиятдинова, Тошкент шаҳри. «Ватан» кўшиғи.




Жасур Мирсаатов, Тошкент шаҳри. «Гўзалим баҳор» кўшиғи.



Диёр Маҳкамов, Тошкент шаҳри. «Севаман» кўшиғи.



Абдували Ражабов, Сирдарё вилояти. «Сенсиз» кўшиғи.



Танишинг, «НИҲОЛ» совриндорлари

Ўтган ҳафтада пойтахтимиздаги «Халқлар Дўстлиги» саройида Мустақилликнинг 15 йиллиги олдида «Ниҳол» мукофотининг 2006 йилги совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Ушбу маросим Юртбошимиз ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг «Еш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги (2000 йил, 25 август) қарорига асосан ўтказиб келинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 мартдаги қарорига асосан, «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар киритилиб, бу йилги номзодларни саралаш уч босқичда — туман-шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказилди. Барча босқичларда эстрада, чолғу ижрочилиги, мумтоз кўшиқчилик, бахшичилик ва рақс санъати йўналишлари бўйича беллашган уч минг нафарга яқин истеъдоддан 15 нафари танлаб олинди. Зеро, улар бундай ардоққа муносибдирлар.



Илҳом Норов (бахши), Сурхондарё вилояти. «Менинг Ўзбекистоним».



Анвар Ашуров, Фарғона вилояти. «Зиёда қиз» кўшиғи.



Гулрух Отакулова, Фарғона вилояти. «Келмади ёр» кўшиғи.



Ойбек Мирзаев, Қашқадарё вилояти. «Дуторим» кўшиғи.



Жўрабой Ҳафизов, Бухоро вилояти. «Ох дилаки ман» кўшиғи.



Сардор Зулхайдаров, Сирдарё вилояти. «Баҳор тонги» кўшиғи.



Маҳфуза Исломова, Самарқанд вилояти. «Хур ўзбек қизиман» кўшиғи.



Наталья СЕМЁНОВА олган суратлар.

Ҳақиқат қимматбаҳо тақинчоқ, кабу бўяб-безатилмайди

Яқинда Қозоғистоннинг «Юрист» журналида ушбу нашр бош муҳаррири Мая Агибаеванинг Ўзбекистонга бағишланган мақоласи чоп этилди. Четдан ташланган нигоҳ ҳамиша қизиқарли бўлади. Шу босис ушбу мақола жузъий қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Фарба қандай шошма-шошарлик ҳукм сураётганини ҳеч пайқаганмисиз? Москвадан ўтшингиз биланок бу дарров сезилади кишига! Ҳамма қаергадир кечикмоқда, барчанинг қиёфасида бир хил аломат — улгуриш керак! Бунда ҳеч кимнинг биров билан умуман иши йўқ... Шарқ эса бошқа масала... У нафақат нозик, балки соғлом фикрловчи, эҳтиёткордир. Бу ерда ҳеч қачон шоши-лишмайди, айниқса жиддий масалаларда. Асрдан асрларга ўтиб келётган «Шошилан киши кулгига қолади» мақоли тан ва қон бўлиб ўзбек халқининг онгига синган. Мана минглаб йиллар мобайнида ушбу машҳур нақл уларга панд бергани йўқ. Бу яна шунинг учун ҳамки, уларнинг хатога йўл қўйишга ҳаққи бўлмаган, чунки, қуруқликнинг мазкур қисмида улар қатта оғалар бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда...

Соҳамда қадамлар билан собиқ шўролар иттифоқининг барча мамлакатлари бўйлаб бирин-кетин тарқалиши зарур бўлганига бугунги кунда ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бу фақат ислохотлар даври келгани учунгина эмас. Ҳозирги пайда эски тизимнинг нечоғлик шафқатсиз, айрим ҳолларда эса шу қадар калтабин бўлгани ҳаммага аниқ-равшандир.

Эски тизим суд хатолари учун қулай замин яратди, айбонлик презумпцияси эса анахронизмга айланди. Бундай иллатга қарши курашда янги ёндошувлар зарур бўлади. Ўзбекистон бугунги кунда ўз суд-ҳуқуқ тизимининг изчил ва босқичма-босқич ислохотини бошлаган мамлакатлар сафидадир. У зиннинг илк қадамини хотир-жамлик ва ишонч билан ташламоқда. Яъни, судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги қонунларга ўзгартиришлар киритмоқда, жиноятлар таснифини ўзгартирмоқда, ўта оғир ҳисобланадиган жиноятлар рўйхатини қисқартирмоқда, содир этилган жиноятлар учун муқобил жазо турларини, шунингдек, яраштирув институтларини жорий қилаётди. Жиноий жазо тизимини либераллаштиришга қаратилган бошқа қатор дастурий чоралар қабул қилинди. Улар орасида энг муҳими ўлим жазоси қўлланилишининг доираси босқичма-босқич қисқаришидир.

Бир неча йил муқаддам Ўзбекистон жиноий қонунчилигида ўлим жазоси белгиланган 30 та модда мавжуд эди, ҳозирги пайда жараёнлар эртани-кечми, олий жазо фақатгина икки

жиноят турига — қасддан одам ўлдириш ва террорчиликка нисбатан қўлланилади. Содиқ этилган жиноят даражасидан қатти назар, вояга етмагандан, аёллар ва ёши 60 дан ошган шахсларга бундай жазони қўллаш қонун томонидан таъқиқланган.


Бу фақатгина дастлабки қадамлар, ҳоло. Ўнлаб йиллар давомида мавжуд бўлган амалиётни бирдан ўзгартириб юборишнинг ўлдасидан ҳам ҳеч ким чиқа олмаган. Олдинда ҳали узоқ ва машаққатли ишлар турибди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши, биринчи гада аҳоли орасида кенг тушунириш ишлари олиб борилишини талаб этади. Одамлар нима сабабдан давлат бундай қарорга келганини ҳамда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги жадал ривожланиш нима англатишини билишлари лозим. Иккинчидан, давлат идоралари зиммасида талай ишлар турибди. Ўлим жазоси умрбод ёхуд узоқ муддатли қамоқ жазоси билан алмаштирилган шахсларни сақлаш учун зарур бўлган мажмуа ва иншоотларни қуриш, шароитларни яратиш билан боғлиқ қатор ташкилий ва тайёрлаш ишларини амалга ошириш зарур бўлади.

Янгилинишлар бошланганидан сўнг уларнинг таъсирида мамлакат қандай қўринаётганини билиш ҳамisha қизиқарли бўлади. Шошилишдими ёки ортада қолиб кетишдими? Қимдан-қим ўзиш керакми ёки шошмаслик зарурми? Ажабланишлик шундаки, айнан Ўзбекистон бу жараёнда доимо ўз ўрнини беҳато ва аниқ топа олади ва жуда камдан-кам ҳоллардагина янгилиниши мумкин...

Олмасота «Жаҳон» АА.

«Пахтабанк» — кичик бизнес ва тадбиркорликка кўмак



Акциядорлик тижорат «Пахтабанк»ида шу йилнинг ўтган даври мобайнида тизимни эркинлаштириш, ислох қилиш ҳамда фермер хўжалиқларини жадал ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Банкининг капиталлашув даражасини ошириш, янги банк хизмат турларини жорий қилиш минни банклар очиб орқали миқозлар сонини кўпайтириш, банкнинг ахборот тизимини тақомиллаштириш, пластик қарточкалар ёрдамида ҳисобкитобларни олиб боришга қаратилган тадбирлар шулар жумласидандир. Натигада банк фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари ўсди. Хусусан, банкнинг жамланма капиталы, 2006 йил 1 август ҳолатига кўра, 62,6 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич йил бошидаги нисбатан 4,2 млрд. сўм ёки 7 фоиз кўпдир.

Банк филиаллари томонидан хизмат кўрсатилаётган кичик бизнес субъектлари сони эса 110 минг 366 тага етиб, ўтган йилнинг шу давридаги таққослаганда 4 минг 633 тага ортди. 2006 йил 1 августга «Пахтабанк» бўйича кичик бизнес субъектларига ўз маблағлари ҳисобидан 9 млрд. 825,8 млн. сўм кредит ажратилиши режалаштирилган эди. Амалда бу топшириқ 12 млрд. 471 млн. сўмга ёки 127 фоизга бажарилди.

Бошқача айтганда, кичик бизнес субъектларининг 8073 та лойиҳаси молиялаштирилди, берилган кредитларнинг умумий ҳажми 16 млрд. 729 млн. сўмни ташкил этди. Шундан банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан 12 млрд. 471 млн. сўм, бюджетдан ташқари жамғарилар ресурсларидан 4 млрд. 259 млн. сўм ажратилди. Деҳқон ва фермер хўжалиқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида эса 6 млрд. 765 млн. сўм кредит берилди. Бу кўрсаткич 2005 йилнинг 1 август ҳолатига таққослаганда 68,5 млн. сўмга ёки 101 фоизга ўсди.

Хисобот даврида «Пахтабанк» томонидан кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжалиқларига ажратилаётган микрокредитлар ҳажми ҳам ортди. Жумладан, 2006 йил 1 август ҳолатига кўра берилган микрокредитлар 11 млрд. 238,2 млн. сўмни ташкил этди ёки ажратилган микрокредитлар 2005 йил 1 август ҳолатига нисбатан 119 фоизга кўпайди. Банкининг имтиёзли кре-

дитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредит шу йилнинг 1 август ҳолатига 11 млрд. 801 млн. сўмни ташкил этди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги «Кичик қорхоналар, деҳқон ва фермер хўжалиқларини маблағ билан таъминлаш, моддий таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 366-сонли қарорига кўра, уларнинг бошланғич сармоясини шакллантириш мақсадида бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит йўналишлари орқали ажратилган. 1 млрд. 719,9 млн. сўм миқдоридagi маблағ тўлиқ молиялаштирилди.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни қўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК 308-сонли Қарори ижросини таъминлаш учун эса жорий йилнинг ўтган даврида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2 млрд. 389,5 млн. сўм, Бандлик жамғармаси ҳисобидан 2 млрд. 471 млн. сўм, жами 4 млрд. 860 млн. сўм кредит берилди. Шу билан бирга, «Пахта-

банк» томонидан ЕТБ ва ОТБ кредит линиялари ҳисобидан лойиҳалар молиялаштирилмоқда. Банк филиаллари томонидан тадбиркорлар ва кичик бизнес қорхоналарига ажратилган кредитлар ҳисобидан ЕТБ ва ОТБ кредит линиялари ҳисобидан лойиҳалар молиялаштирилмоқда. Банк филиаллари томонидан тадбиркорлар ва кичик бизнес қорхоналарига ажратилган кредитлар ҳисобидан 2,7 млн. АҚШ доллари ва «Агр-сервис кредитлари» Д компанияси ҳисобидан 10,3 млн. АҚШ доллари миқдорида ҳамда Осиё Тараққиёт банкнинг «Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш» лойиҳаси маблағлари ҳисобидан 4,2 млн. АҚШ доллари миқдорида қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олишга, жумладан, 102 дон «Доминатор-130» русумли дон ўриш комбайни харид қилиш учун қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи муқобил машина-трактор паркларига жами 17,1 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди, ушбу техникалар тўлиқ ҳолда миқозларга етказиб берилди.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК 325-сонли Қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар рўйбга чиқарилди. Мисол учун, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 965 та хўжалик юри-тувчи субъектга 1364 та объект бўйича 15,8 млрд. сўмдан ортиқ лизинг лойиҳалари амалга оширилди. Эътиборлиси, банкнинг томонидан, 2006 йил 1 август ҳолатига кўра, кўрсатилган жами лизинг хизматларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигига фаолият кўрсатувчи субъектлар ҳисобига тўғри келмоқда. 505 та фермер хўжалигига умумий суммаси 7,1 млрд. сўмлик 575 та лизинг объекти, 70 та ширкат хўжалигига умумий суммаси 1,6 млрд. сўмлик 84 та лизинг объекти, 27 та «Узагро-сервис» уюшмаси тизимидаги машина-трактор қорхонасига 1,8 млрд. сўмлик 30 та та лизинг объекти, шунингдек, 27 та муқобил машина-трактор паркига 1,1 млрд. сўмлик 42 та лизинг объекти ажратилгани шундан далolat беради. Ушбу қишлоқ хўжалиги техникаларининг асосий қисми «ТТЗ», «Т-4», «МХС», «Т-28» русумли тракторлар, дон ўриш комбайнлари, культиваторлар, тиркачалар, плуглар, ОВХ кагичлари ва бутловчи қисмлардан иборатдир. Фақат шунгина эмас. Қишлоқ хўжалиги қорхоналари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи муқобил машина-трактор паркларига Германиянинг «Claas KgG mbH» компаниясининг «Доминатор-130» русумли дон ўриш комбайнлари ҳам лизинг асосида етказиб берилди. Ушбу комбайнларнинг 14 таси фермер хўжалиқларига, 3 таси ширкат хўжалиқларига, 23 таси машина-трактор паркларига ажратилди.

«Ozbekneftgaz» миллий ҳолатинг компаниясининг «OZLTINEFTGAZ» ОАЖ

2007 йилга мақсадли аспирантуранинг кундузги бўлимига қўйилган мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

- ✓ геология, нефть ва газ қонларини қидириб топиш;
✓ нефть ва газ қонларини қазиниш ва улардан фойдаланиш;
✓ нефть ва газ қудуқларини бургулаш.

Аспирантуранинг кундузги бўлимига ёши 35 дан ошмаган, олий маълумотли, олий ўқув юртини тугатганидан сўнг танланган мутахассислик бўйича қанда бир йиллик амалий иш тажрибасига эга, илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга қобилияти бор шахслар қабул қилинади. Олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тамомлаган ёш мутахассислар тегишли ўқув юртининг тавсияси бўйича танлов имтиҳонларида иштирок этишига қўйилади. Аспирантурага кирувчилар куйидаги фанлардан танлов имтиҳонлари топиради: Ўзбекистон тарихи, фалсафа, чет тили, махсус фан. Арiza ва ҳужжатлар 2006 йил 1 октябргача қабул қилинади.

Маълумот олиш учун куйидаги телефон орқали мурожаат қилиш мумкин: 153-75-07. Манзил: 100029, Тошкент ш., Т.Шевченко к., 2-уй, 341-хона.

«МЕДИОФАРМ» ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАСИ

Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз! Истагимиз — ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

«NG SERVICE» МЧЖ Юридик ва хисмовий шахслар диққатига!

«NG SERVICE» МЧЖ дунёнинг куйидаги машҳур компанияларнинг сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD. Сервис-марказ кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха қўриш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради. Шунингдек, етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улгури-чакана савдосини ҳам бажаради. Ўзбекистоннинг 12 минтақасида филиалларимиз мавжуд. Манзил: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй. Мўлжал: «Авиасозлар» саройи. Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84. E-mail: support@nuron.uz

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун! «ПАХТАБАНК» ФАРВОҲЛИТИНГИЗ КАЛИТИДИ!

Светлананинг байрам совғаси



Маълумки, Олимпиада ўйинларида энг кўп медаллар энгил атлетикачиларга берилади. Спортнинг мазкур тури бўйича ҳам юртдошларимиз кўлга киритаётган натижалар яхшиланиб бормоқда.

Жорий йилнинг 15-20 август кунлари Хитой пойтахти Пекин шаҳрида энгил атлетика бўйича ўсимлар ўртасида ўтказилган XI жаҳон чемпионатида қатнашган спортчиларимиз мустақиллик байрамига ажойиб совға ҳозирлашди.

Нуфузли мусобақада 200 дан ортиқ мамлакатдан спортчилар қатнашган бўлса, шулардан 19 мамлакат вакилларигина олтин медал олиш насиб этди. Қўвончлиси, ана шу олтин медал олган мамлакатлар ичида Ўзбекистон ҳам бор.

Жумладан, баландликка сакраш баҳсларида ҳамюртимиз Светлана Радзивиел 1 метру 91 сантиметр натижага эришиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Яна бир вакилимиз Надя Дусанова баландликка сакраш баҳсларида кучли ўнликдан жой олди.

Ўз муҳбиримиз.

XV Осиё ўйинлари олдидан

Жорий йил охирида Қатар пойтахти Дохада қўшма ҳисоб билан энг нуфузли спорт мусобақаларидан саналган XV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Унда 44 мамлакат вакиллари 39 спорт тури бўйича ўз омадларини синаб кўрадилар.

Бугун Ўзбекистонлик спортчилар ҳам бор диққат-эътиборини ушбу мусобақада совринли ўринларни кўлга киритишга қаратишган. Ўзбекистон оғир атлетика терма жамоаси бош мураббийси Валентин Манишовдан шогирдларининг тайёргарлиги ҳақида сўрадик.

АВВАЛ ДОМИНИКАН, СЎНГРА...



— Эсингизда бўлса, бундан тўрт йил муқаддам Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида Игорь Халилов кумуш, Бахтиёр Нуруллаев эса бронза медаллар соҳиби бўлишган эди. Дохада эса ундан-да кўпроқ медалларни кўлга киритишни мақсад қилиб кўйганмиз. Терма жамоамиз олдида масъулиятли вазифалар турибди. Сабаби, йигитларимиз бу йил иккита йирик турнирда қатнашчилари керак. Уларнинг ҳар иккиси ҳам муҳим. Шулардан биринчиси сентябрь ойида Доминикан Республикасида бўладиган оғир атлетика бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатидир. Мазкур чемпионатда қатнашчилар 2008 йил Хитой пойтахти Пекинда ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларига бериладиган йўлланмалар учун баҳс юртадилар. Оғир атлетикачиларимиз 2004 йил Афинада ўтган ёзги Олимпиада ўйинларида учта йўлланма соҳиби бўлишган эди. Бу сафар эса, камида тўртта йўлланмадан умидвормиз. Бунинг учун умумжамоа ҳисобида 15-21 ўринларни забт этишни керак. Дохада ўтадиган Осиё ўйинлари ҳам нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан қолшимайди. Чунки унда

китъанинг қирқдан ортиқ мамлакат вакиллари ғолиблик учун баҳс юртади. Унда олинмаган ҳар бир медалнинг ўрни ниҳоятда муҳим.

— **Кетма-кет иккита йирик турнирда қатнашган спортчиларимизни толиқтириб қўймасмикин?**

— Албатта, шогирдларимга осон бўлмаслиги аниқ. Лекин тоққа чикмасанг, дўлана қайда... Агар Осиё ўйинлари бўлмаганда, иккинчи турнирда қатнашмасдик. Хозир деярли ҳар бир вазнда икки нафардан спортчи тайёргарликдан ўтапти. Жумладан, 62 килограмм вазнда Руслан Алпанов, +77 килограмм вазнда Шерзод Юсупов ва Баҳром Мендибоев, 85 килограмм вазнда Саломат Нуруллаев ва Мансур Чашимов, 94 килограмм вазнда Фуркат Саидов ва Олег Алборов, 105 килограмм вазнда Александр Уринов ва Иван Ефримов, +105 килограмм вазнда Игорь Халилов ва Андрей Мартиньяновлар синовдан ўтишяпти. Ана шулардан олти нафари асосий таркибга жалб этилади.

— **Терма жамоамизнинг бугунги ҳолатини қандай баҳолайсиз?**

— Умуман, йигитлари-



миз шай туришибди. Биринчи ўқув-йиғин машғулотларини январь ойида Зарафшон шаҳрида бошлагандик. Навбатдаги йиғин Чирчиқда ўтказилди. Тошкентда ўтган Осиё кубогида яна бир бор ўз имкониятларимизни синовдан ўтказдик. Хозир спортчиларимиз Чорвоқда ўқув-йиғин машғулотларини давом эттиришяпти. Албатта, оғир атлетикада техник ва тактик тайёргарлик билан бирга спортчиларни юқори калорияли овқатлар билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бизга барча шароитларни яратиб берган. Оғир атлетика федерацияси ва ҳомийларимиз ҳам яқиндан ёрдам кўрсатапти. Насиб этса, ҳар иккала мусобақада ҳам совриндорлар сафида бўламиз.

Зиёдулла **ЖОНИБЕКОВ**, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ўрнатилган юртдошлар ва пойтахтимиз меҳмонлари! «ЎЗТЕМИРЎЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

2006 йил 22 августдан бошлаб **ТОШКЕНТ — УРГАНЧ — ТОШКЕНТ** йўналиши бўйича қўшимча йўловчи поезди ҳаракатлана бошлашини сизларга маълум қилади.

Поезднинг ҳаракатланиш жадвали	Жўнаб кетиш	Етиб бориш
№ 56 Тошкент — Урганч	сешанба 17.40	чоршанба 13.05
№ 55 Урганч — Тошкент	чоршанба 14.45	пайшанба 09.25

Қўшимча маълумотни Марказий темир йўл агентлигининг Тошкентдаги қуйидаги телефони орқали олиш мумкин: **199-76-27.**



Хизматлар лицензияланган.

МАНЕСМАВ МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ

под заказ **ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ** Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71; (998-90) 187-60-86. E-mail: asm-uz@yandex.ru

КАММАЗ АРСЕНАЛ юк машиналари учун **ШИНА**

Тел.: 152-73-81, 361-40-33, 361-40-90.
Сайт: www.uzkam.com таклиф этади

Манзил: Тошкент ш., «Братислава» к., 11 (мўлжал — Бобур боғи)

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача **136-09-25**
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.uz

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ **БЕЛАРУС**

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва УПАР УЧУН ЭЪТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Тошкент ш., «Братислава» к., 11. Тел.: 361-40-33, 361-40-90. факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ «ҒАЛЛАБАНК»

Мустақил юртимиз фуқароларини мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги билан муборакбод этади ва «ТУНГА» деб номланган қисқа мuddатли омонат турларидан фойдаланишни таклиф қилади. Мазкур омонатларга маблағлар жорий йилнинг 10 август — 8 сентябрь кунлари 3 ой мuddатта қабул қилинади ва йиллик 24 фоиз миқдорида устама тўланади.

Шу билан бирга, доимий равишда амалда бўлган қуйидаги омонат турларига ҳам маблағлар қабул қилинаётганлигини маълум қиламиз:

Омонат тури	Мuddати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал (сўмда)	Асосий шартлари
Пластик карточка	мuddатсиз	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдориди	1000	Талаб қилиб олинганча сақланади, фоизлар кунлик ҳисобланиб, ой охирида капитализация қилинади, агар омонат қолдиги 10000 сўмдан кам қолса, шу кун учун фоиз ҳисобланмайди.
Имконият	6 ой	18,0	10000	Омонат мuddати тугагандан сўнг маблағни уй-рўзгор ашёси, энгил автомобиль, турар жойлар сотиб олиш мақсадида ишлатилади.
Саломатлик	11 ой	19,8	10000	Фоизлар фақат саёхатга чиқиш ва саломатликни тиклаш учун сарфланади.
Нафақа-мададкор	1 йил	18,0	10000	Омонат фақат нафақахўрларга очилади.
Ishonch	3 ойдан-3 йилгача	18,0-20,4	10000дан 500000гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача мuddатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Luks	3 ойдан-3 йилгача	18,6-21,0	500000дан 1000000гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача мuddатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Kafolat	3 ойдан-3 йилгача	19,2-21,6	1000000дан юқори	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача мuddатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро шартномага биноан тўлаб берилади.
Istiqloil	6 ой	22	500000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль - 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб берилади.
Farovonlik	3 ой	21	200000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль - 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат мuddати тугагач тўлаб берилади.
Fayzli	2 ой	20	100000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль - 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат мuddати тугагач тўлаб берилади.
Меҳриғиё	18 ёшгача	15,6	10000	Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади ва 18 ёшга тўлганда берилади.
Kelajak	16 ёшгача	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдориди	10000	Омонат 16 ёшгача сақланиб, фоизлар молия йили якунида тўланади.
Коммунал омонати	3 ой ва ундан юқори	21,6	100000	Аҳолига уй-жой, коммунал тўловлар хизмати ва электр тўловларини омонатчи иштирокисиз, фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади.

Омонатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизларни ўз миқозларимиз қаторида кўришдан мамнунимиз!

Мурожаат учун телефонлар: **136-26-57, 136-70-60, 132-16-55, 133-71-72.**

Шунингдек, вилоят ва туман (шаҳар) марказларида жойлашган минтақавий филиал ва туман филиалларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Ғаллабанк» хонадонингизда барака келтирсин!

Ёш рассомлар танлови

Жорий йилнинг июнь-август ойларида 12-17 ёшлилар ўртасида ўтказилган «Мен дам олган оромгоҳ» ёш рассомлар курик-танловининг биринчи босқичи якунланди. Тадбир Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика Халқ таълими вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, «Экосан» халқаро ташкилоти, «Камо-

лот» ёшлар ижтимоий ҳаракати республика кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ёшларнинг ижодкорлик қобилиятларини намоён этишларига ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиздаги 16 та соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган болажонлар иштирок этди. Рангтасвир, халқ амалий санъати, табиат ва ўсимликлар дунёси, ижодий фотолавҳалар альбомини тузиш бўйича ўз қобилиятларини намоён этган бир неча ёш рассом ушбу танловнинг 22 сентябрда бўлиб ўтадиган республика босқичига йўлланмани кўлга киритдилар.

Юлдуз РИЗАЕВА.

Оромгоҳда фуқаро муҳофазаси кунлари

Тошкент вилоятининг тоғолди ҳудудларида жойлашган болалар оромгоҳлари одатдагидек бу йилги мавсумда ҳам гавжум бўлди. Уларда мутахассислар томонидан турли-туман тадбирлар улуқсиз ўтказилиб турилибди. Айниқса, Тошкент вилояти факултетада вазиятлар бошқармаси олиб бораётган хайрли тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Жумладан, яқинда Бўстонлик туманидаги «Кимёгар» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бошқарма мутахассислари томонидан «Фуқаро муҳофазаси» кунлари ўтказилди. Режага мувофиқ, ер қимирлаши рўй берганда қандай ҳаракат қилиш, газ-ниқобдан фойдаланиш тартиби, сувга чўкаётганларга амалий ёрдам кўрсатиш,

ёнғин юзага келганда уни бартараф этиш ёки ундан сақланиши қоидалари, сайр пайтида шиканланганларга биринчи тез ёрдам кўрсатиш ва уларни тиббий муассасаларга зудлик билан етказиш усулларини амалда қўллаш машқлари болалар томонидан бекам кўст бажарилди.

— «Кимёгар» болалар соғломлаштириш оромгоҳида асосан 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган 480 нафар ўғил-қизлар дам олмақда, — дейди оромгоҳ бошлиғи Бахтиёр Ирисов. — Улар ноҳус вазиятларда ўзларини ва ўзгаларни муҳофазаси қилиш учун нималар қилиш кераклигини ўзлаштириб олишди.

А.СҮЙОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд судьяси Мамажон Фанижоновга уқаси
Вали **ДАДАХАНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди жамоаси Фуқароларни қабул қилиш ва шикоятлар бўлимининг бошлиғи Тўлқин Юсуповга уқаси
Эркин ЮСУПОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи **Ш. ЖАББОРОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғасев ҳамда Баҳодир Файтнев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — М. Холматова. Навбатчи — А. Саидов. Мусаҳҳих — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00. Тошкент — 21.00 12345